



"ANVAR OBIDJON LJODINING MA'NAViy-MA'RIFIY AHAMIYATI"

mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman
materiallari



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI

**FARG'ONA VILOYATI MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT
KENGASHI**

**RESPUBLIKA MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT MARKAZI
FARG'ONA VILOYATI BO'LIMI**

**“ANVAR OBIDJON IJODINING
MA'NAVIY-MA'RIFIY AHAMIYATI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman
materiallari**

Farg'ona - 2023-yil

UO‘K: 809.1.612.152.33

KBK: 84(5Ў)-7

***Tashkiliy qo‘mita/ Организационный комитет/Organization
committees:***

B.Sh.Shermuhhammadov, Z.A.Rahimov, I.I.Zokirov, F.Qosimov,
M.Sulaymonov, G‘.A.Sabirdinov, H.A.Jo‘rayev, A.A.Qosimov,
E.I.Ibragimova

Mas‘ul muharrir/ Ответственный редактор/Executive Editor:

M.A.Jo‘rayeva

Tahrir hay‘ati/ Редакционная коллегия / Editorial board:

R.M.Umurzoqov, A.Rasulova, G.Abdullayeva, D.Umarov,
J.Sayidolimov, Sh.Maxmidjonov

**“ANVAR OBIDJON IJODINING MA‘NAVIY-MA‘RIFIY
AHAMIYATI” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman
materiallari:** maqolalar to‘plami; Mas‘ul muharrir: M.A.Jo‘rayeva.
– Farg‘ona - 2023.- 368 bet.

МУНДАРИЖА

А.Обиджон шеъриятида миллий ўзлик туйғусининг бадий талқини (М.Ҳожиматов)	3
Anvar Obidjon ijodiga chizgilar (B.Shermuhammadov)	7
Ўзбек болалар мусиқа ва рақс санъати тараққиётида Анвар Обиджон шеъриятининг ўрни ва аҳамияти (Ш.Тохтасимов)	9
Анвар Обиджон насрининг маънавий-маърифий аҳамияти (Й.Солижонов)	14
А.Обиджон ва А.Ўктамнинг сўз фалсафаси (Р.Сайфуллаева, Т.А.Бутунбаева)	19
Уста Гулмат ва унинг “Ёввойи девони” поэтикасига доир (Ҳ.Болтабоев)	24
Анвар Обиджоннинг ёрқин хотирасига (У.Ҳамдам)	29
Betakror ijod (E.Ibragimova)	33
А.Obidjonning “Yaltiroq tugma” hajviy qissasida xarakter tasviri (M.Jo‘rayeva)	36
А.Obidjon – maxsus uslub yaratgan shoir (Yo.Saidov)	43
Уччаноқнинг структурал таҳлили (Қ.Йўлчиев)	48
Anvar Obidjon and world literature (R.Sharipov, A.Allayarov, H.Namrayeva)	52
Ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда талабалар нутқ маданиятини шакллантириш тамойиллари (А.Обиджон шеърлари мисолида) (Б.Қораева)	55
А.Обиджон адабий портрети (У.Расулова)	61
“Ҳакка холанинг иғволари” ҳикояси таҳлили (Қ.Йўлчиев)	64
Анвар Обиджон – реформатор (Ҳ.Ҳамроева)	68
А.Обиджон шеъриятида оксюморон (Х.Шарафиддинов)	76
А.Обиджон шеъриятининг ғоявий-бадий хусусиятлари (А.Улуғов)	80
Ўзбекистон халқ шоири А.Обиджон ижодининг Тожикистонда ўрганилиши (Б.Файзуллоев)	88
Anvar Obidjon she'rlarida poetik obrazlar (G.Jo‘rayeva)	92
Қуйма сатрларда чўнг маъно (М.Қосимова)	97

АНВАР ОБИДЖОН АДАБИЙ ПОРТРЕТИ

Умида РАСУЛОВА,

*Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
филология фанлари доктори*

Аннотация. Мазкур мақолада Анвар Обиджон ижодининг ўрганилиши масаласи “Ўзлик сари йўл” рисоласи асосида ёритилади.

Калит сўзлар: адабиёт, бола, руҳият, табиат, поэтика

Аннотация: В данной статье освещен вопрос изучения творчества Анвара Обиджона на материале брошюры «Путь к себе».

Ключевые слова: литература, ребенок, психика, природа, поэтика

Annotatsion: This article highlights the issue of studying the work of Anvar Obidjon on the material of the brochure “The Way to Yourself”.

Key words: literature, hangoma, child, psyche, nature, poetics

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослиги муҳим аҳамиятга молик. Миллийлик фақат миллий характерда эмас, балки умуминсоний фикр, ғоя, орзу, армонларни ифодалаш усули, образли тафаккурда намоён бўлади. Миллатнинг маънавий, интеллектуал салоҳиятини, бадий, эстетик савиясини, шахс ҳамда жамиятнинг ахлоқий маданиятини юксалтиришда сўз санъатининг ўрни бетакрор.

Бадий сўзнинг эстетик таъсир кучи шундаки, у ифода гўзаллиги билан чекиниб қолмайди. Аксинча, у моҳиятан ҳаётдаги гўзалликнинг ўзи бўлиб қолади. Санъаткор кўзлаган муайян мақсадга эришишда бадий сўз гўзаллик тимсолига айланишидир. Сўзнинг бадийлиги бу санъат асарларида акс эттирилган маънавий қадриятларни баҳоловчи, фалсафий эстетик аҳамиятини белгиловчи гўзаллик мезонларидир. Бадий асар тарғибот ташвиқот воситаси эмас, у санъат намунаси, гўзаллик ходисаси саналади

Ўзбек болалар адабиёти ривожига Анвар Обиджоннинг муҳим ўрни бор. Унинг шеър, дoston, ҳикоя, қиссаларида бола руҳиятининг сирли манзаралари таъсирли ёритилади. Зукко

мунаққид Абдуғафур Расулов Анвар Обиджон билан йиллар давомида ҳамсухбат бўлиб, унинг ижодий изланишларини кузатган, олимлар даврасидаги қизгин баҳсларда шоир тийнатидаги самимийлик, соддалик, донишликни эъзозлаган. “Ўзлик сари йўл” адабий портретида шоир, носир тафаккур дунёсини ёритишга муваффақ бўлган. Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров каби ижодкорлар билан ҳамкорлик, давра суҳбатлар бадиият олами борасидаги тасаввурни бойитиб борган. Абдуғафур Расулов Анвар Обиджоннинг олиму санъаткорларга бўлган эҳтироми, сўзга шайдолигини қадрлаган. Мунаққид ўттиздан ортиқ асар яратган ижодкорнинг турли жанрларда эркин қалам тебратганини қайд этади. Ижодкор миллатнинг келажаги, мураккаб ижтимоий шароитда ҳам ўзликни эъзозлаши, ҳозирги глобаллашув жараёнида эътиқоди, халқига садоқатни асраши масаласига алоҳида аҳамият қаратганини таъкидлайди. Сўз санъаткорининг шахсияти, асарларининг яратилиш тарихи, бадиияти, ижод психологияси янги йўналиш сифатида ривожланиб бораётгани хусусида мулоҳаза билдиради. Анвар Обиджоннинг адабий, эстетик, маърифий, ахлоқий қарашлари давр, жамият ҳамда ижтимоий воқелик билан яхлит жараён сифатида таҳлил этилаётгани кўрсатиб борилади.

“Олтиариқ хангомалари” асарида қаҳрамон исми, лақабининг замирида ҳам энгил юмор етакчилиги маълум бўлади, диалоглар оддий кишлоқ аҳлининг сўзга чечанлиги, закийлигига ишора бериши асосланади. Водийнинг сўлим табиати, жой номлари, боғу роғи меҳнатқаш, уздабурон кишилар ижтимоий ҳаётдан воқиф этади. Абдуғафур Расулов Гулмат образини Калвак махзум, Матмуса, Баширжон каби қаҳрамонлар билан муқояса қилиб, унинг ҳам сийратидаги сўзамоллик, чечанлик хислатини ёритиб боради. Гулмат Шошийнинг ғазал, мухаммасларидаги қочирим, киноялар турли иллатларни фош қилгани, жамиятдаги айрим қатлам вакилларини танқид қилганини кўрсатади.

Зўр китобда тил йўқ- муаллим бўлар

Бадбахт шоир ўз шеърдан сўнг ўлар

Гулмат чаласавод, афанди шоир тимсоли бўлиб, танқидчи Ғишмат баҳоси, тазйиғидан кўрқади. Гулмат ва Ғишмат контрасти замирида ҳам тўғрилиқ ва эгрилик, илмлилик ва саводсизлик муносабатига шарҳ берилади.

Анвар Обиджон “Танланган шеър”ларида лирик кечинмани таъсирли, образли ҳис қилдирадиган, инсон кўнгил ноласини тиниқ ифодалаган мисралар эътиборни тортади. Бу шеърларда турли ҳаётий мотив, асосий маъно нуқталари маҳзанини китобхон шуурига етказиш, айрим деталга урғу бериш, контраст лавҳани бўрттириш, кульминацион вазиятни ўзгача оҳангда сошлаш кузатилади. Китобхон тасаввур дунёсида лирик қаҳрамон толеидаги синоату ниҳон асрорлар аста тиниклашиб борар экан, муайян ахлоқий аҳкомларга урғу берилади.

Абдуғафур Расулов “Жуда қизиқ воқеа” асари таркибидаги шеър ҳамда эртақлар силсиласида наботот, жамотот, ҳайвонот уйғунлиги ўзгача йўсинда тасвирланганини таҳлиллар воситасида ёритади. Оламдаги сағиру кабир мавжудотлар ҳаракатидаги тартибот муайян шеърлар моҳиятини бойитади. Бадиий ижодда инсон туйғуларининг табиат ҳодисаларига параллел ё контраст келтирилиши воситасида борлиқдаги яратилган аро қатъий мувозанатни идрок айлаш имкони юзага келатгани маълум бўлади. Анвар Обиджоннинг ҳам айни шу мувозанатни меъёрлаштириш, оқилона ҳамда одилона йўл тутиш мақсадида онгли инсонга табиат билан ҳамнафас, бир бутунлигини ёдда сақлашни сингдириб бораётгани аёнлашади. Ижодкор эртақларида турли жонзот образини ҳар томонлама тасвирлашга эътибор бериб, улар туйғу кечинмаси, қондошлик вафосини инсонга ибрат қилиб кўрсатгани эслатилади.

Замонавий ўзбек шеърларида ҳам лирик қаҳрамон характерини яратишда тасвирда руҳият бош омилга айланди. Яъни, лирик қаҳрамон руҳиятини ижтимоий муҳит, воқелик масалалари билан уйғун ҳолда тадқиқ этиш майли кучайди. Мунаққид Анвар Обиджоннинг дунё болалар адабиётига қизиқиши, ижодкорлар маҳоратини кузатиши, асарлари қатига ўзбек боласи тийнатидаги ғурур, андиша, лафз хислатини сингдириб борганини эслатади. Шоирнинг миллат фидойилари Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон хотирасига бағишланган шеърлари поэтикасини ҳурлик, эркинлик туйғулари мустаҳкамлагани эътироф этилади. Бундай озод шахслар фаолиятига эътиборнинг кучайиши қаҳрамон руҳий иқлимларини, қалбининг асрорини ҳис этиш бевосита, унинг сажиясини ҳам кенг қамраб олишни тақозо этади. Абдуғафур

Расулов серқирра ижодкор Анвар Обиджоннинг инсон маънавий дунёсини, тафаккур тарзини ўзгартиришга интилган, ҳаётий фалсафасини теран сатрлар негизига сингдирган, умуминсоний фазилатларни тарғиб қилган асарларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатган.